




БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА ТУТАШГАН ДЎСТЛИК RIШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНДИ

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлиб турибди.



15 сентябрь куни Самарқанддаги “Буюк ипак йўли” халқаро туристик мажмуаси Конгресс марказида Хитой Халқ Республикаси Раисини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Раиси Си Цзиньпин

шоҳсупага кўтарилдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради. Фахрий қоровул тантанали равишда саф тортиб ўтди.

Маросимда икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари ҳам ҳозир бўлди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг музокаралари бўлиб ўтди.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ МУНОСАБАТЛАРИ КЕНГ ҚАМРОВЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 15 сентябрь куни ташриф билан мамлакатимизга келди.

Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни мамлакатимиз Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди. Шу куннинг ўзида икки давлат

етакчилари ўртасида олий даражадаги музокара бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Россия Президентлари икки томонлама муносабатни

мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

▶ Давоми 2-бетда

САМАРҚАНД САММИТИ ОЛДИДАН САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 сентябрь куни Самарқанддаги “Буюк ипак йўли” халқаро туристик мажмуаси — Конгресс марказида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан учрашувлар ўтказди.



Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шарифни юртимизга ташрифи билан самимий қутлаб, Самарқанддаги ШХТ саммитида иштирок этаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Етакчилар икки томонлама, энг аввало, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва транспорт-транзит соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини батафсил кўриб чиқди.

Ўзаро савдо кўрсаткичлари ўсиб бораётгани

этиш, товарларни ўзаро етакчилик бериш учун қўлай шароитлар яратиш муҳимлиги қайд этилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди. Учрашув очик, самимий ва дўстона руҳда ўтди.

Озарбайжон етакчиси, ўз навбатида, давлатимиз раҳбарига таклиф ва самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, стратегик шериклик муносабатлари мисли кўрилмаган юксак даражага чиққанини қайд этди.

Парламентлараро ҳамкорлик ривожланаётгани, савдо ҳажми ошаётгани, энергетика, автомобилсозлик, қишлоқ ҳўжалиги, пахтачилик ва ипакчиликда қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани юқори баҳоланди.



Шаҳбоз Шариф самимий қабул ҳамда Покистондаги сув тошқинларидан жабрланганларга кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами учун Ўзбекистонга ташаккур изҳор этди. Покистон Ислом Республикаси мамлакатимиз билан кўп қиррали стратегик шерикликни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади.

мамнуният билан қайд этилди. Ўтган йили улар 47 фоизга, жорий йил бошидан яна 10 фоизга ошди. Қўшма корхоналар сони 200 тага етди.

Транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Трансафғон темир йўли лойиҳасини тезлаштириш, савдо учун тўсиқларни бартараф

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевни қадим Самарқандга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон қадриятлари ва маънавий-маданий мероси муштарак бўлган биродар озарбайжон халқи билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини қадрлашини таъкидлади.

Жорий йил стратегик шерикликни мустаҳкамлашда тарихий давр бўлгани мамнуният билан таъкидланди. Июнь ойида Озарбайжон Президентининг давлат ташрифи якунлари барча даражалардаги мулоқотни мустаҳкамлашга хизмат қилди ва амалий ҳамкорликка янги суръат бағишлади.

Президентлар маданий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш муҳимлигини кўрсатиб ўтди. Август ойи охирида икки мамлакатнинг маданият ва фан арбоблари Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг юксак давлат мукофотларига сазовор бўлди.

▶ Давоми 2-бетда



БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА ТУТАШГАН ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Мулоқот аввалида давлат раҳбарлари икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги ва стратегик шериклиكنинг 10 йиллиги муносабати билан бир-бирини қўтладилар.

Президентимиз Си Цзиньпинга мазкур ташриф арафасида чоп этилган, халқларимиз кўп асрлик ришталар билан боғланганини тасдиқловчи ва дастурий аҳамиятга эга “Хитой — Ўзбекистон муносабатларининг ёрқин келажagini биргаликда барпо этиш” сарлавҳали муаллифлик мақоласи учун чин дилдан миннатдорлик билдирди. Хитой халқи Си Цзиньпин раҳбарлигида эришяётган улкан ютуқларни қайд этиб, Хитой Коммунистик партиясининг бўлажак йигирманчи ялпи мажлиси муваффақиятли ўтишини тилади.

Хитой раҳбари, ўз навбатида, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида улкан натижалар бераётганини таъкидлади.

Хитой Халқ Республикаси Раисининг мамлакатимизга бу галги давлат ташрифи қадимий Буюк ипак йўлининг чоррахаси бўлган Самарқанда амалга оширилаётганида ҳам чуқур розмий маъно бор. Бу давлатларимиз ўртасидаги алоқалар бир неча асрлик тарихга эга эканлиги ва ўзаро ишонч, ҳурматга асосланганидан далолатдир. Яна бир эътиборли жиҳати, мазкур ташриф ҳамда давлатларимиз асосий ташкилотчиларидан бўлган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бу галги саммити яқинда бўёнд этилган ва илк бор маъна шундай нуфузли халқаро анжуманга меъзбонлик қилаётган “Буюк ипак йўли” туристик мажмуасида ўтказилмоқда.

Етакчилар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини ривожлантиришининг муҳим йўналишларини атрафлича қўриб чиқдилар.

Олий даражадаги мунтазам мулоқотлар туфайли давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кенгайиб бораётгани қайд этилди.

Хусусан, ўтган йилда товар айирбошлаш рекорд кўрсаткич — 8 миллиард долларга етди, жорий йил бошидан буён эса 30 фоиздан ортиқ ўсди.

Охириги беш йилда Ўзбекистон иктисодиётига Хитой томонидан жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10 миллиард доллардан ошди. Кенг қўламли иқтисодий ҳамкорлик бўйича беш йиллик дастур, иктисодиётнинг муҳим тармоқлари ва ижтимоий соҳада қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, бунда электрон тижоратни ривожлантириш, саноат кооперацияси бўйича, энг аввало, автомобилсозлик, “яшил” энергетика, қишлоқ хўжалиги ва инфратузилма каби соҳаларда илгор лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Хитойнинг камбағалликка қарши курашиш, ҳудудларни ривожлантириш ва профессионал кадрлар тайёрлаш борасидаги илгор тажрибасини ўрганиш ҳамда жорий этишни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш зарурлигини таъкидладилар. Шу мақсадда жорий йил якунига қадар Ўзбекистонда икки мамлакат ҳудудларининг биринчи форумини ўтказиш тақлиф этилди. Бу бежиз эмас, албатта.

Айни пайтда юртимизнинг барча ҳудудларида Хитой компаниялари иштирокида йирик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Илм-фан ва маданият соҳаларида ҳам ҳамкорликда йирик лойиҳалар амалга ошириляпти. Таълим тизимидаги алоқалар туфайли ахборот технологиялари, кимё саноати бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Яқин истиқболда бу борадаги ҳамкорликни яна кенгайтириш зарур.

Минтақамиз тараққиёти ва транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлиги учун стратегик аҳамиятга эга “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилишини бошлаш тўғрисида тарихий қелишувга эришилгани катта мамнуният билан таъкидланди. Гуманитар ҳамкорлик, шу жумладан, соғлиқни сақлаш, вакциналар ишлаб чиқариш, фан, таълим ва маданият соҳаларидаги қўшма дастурларни кенгайтириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Келгуси йилда ўзаро дўстлик ва англашувни янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган Ўзбекистон ва Хитой халқлари маданияти ҳамда санъати йилини ўтказишга қелишиб олинди. Бу борадаги тарихан қарор топган дўстлик алоқаларини илмий асосда ўрганиш ва таъкид этиш лозим.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Афғонистонда тинчлик жараёнига ва иқтисодий тикланишга қўмаклашиш борасидаги саъй-ҳаракатлари, халқаро ҳамда минтақавий тузилмалар, жумладан, “Марказий Осиё — Хитой” механизми доирасида тизимли ҳамкорликни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Хитой етакчиси Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти раиси сифатидаги фаолиятини, бунинг натижасида ташкилотни кенгайтириш ва халқаро нуфузини мустаҳкамлаш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинганини юксак баҳолади.

Музокаралар якунида Си Цзиньпин Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни жавоб ташрифи билан Хитойга боришга таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг самарали музокараларидан сўнг икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўплами қабул қилинди.

Давлат раҳбарлари Қўшма баёнот имзоладилар. Унда асосий қелишувлар қайд этилган, ҳар томонлама стратегик шериклиكنинг бугунги ҳолати ва уни мустаҳкамлаш истиқболлари акс этган.

Шунингдек, олий даражадаги ташриф доирасида 15 та ҳужжат имзоланди. Шу жумладан:

- “Яшил” тараққиёт соҳасидаги инвестициявий ҳамкорлик тўғрисида меморандум;
- Рақамли иқтисодиёт соҳасидаги инвестициявий ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида меморандум;
- Фойдали қазилмаларни ўзлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандум;
- Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;
- Қурилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;
- 2022-2025 йилларда маданий алмашинув дастури;

— Миллий ахборот агентликлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Самарқанд вилояти ва Шаньдун провинцияси ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш тўғрисида битим;

— Тошкент вилояти ва Чунцин мегаполиси ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш тўғрисида битим;

— Бухоро вилояти ва Юньнань провинцияси ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш тўғрисида битим;

— Бухоро ва Куньмин шаҳарлари ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш тўғрисида битим.

Шунингдек, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликка доир умумий қиймати 15 миллиард долларлик қелишувларга эришилди ва битимлар имзоланди.

Шундан сўнг Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинга Ўзбекистон Республикасининг олий давлат муқофоти — “Олий Даражали Дўстлик” орденини тантанали равишда топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу муқофотни топширар экан, Хитой Раиси халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталари ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари, ишонч ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга, иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга улкан ҳисса қўшганини қайд этди.

Биргаликда саъй-ҳаракатлар ва Хитой етакчисининг алоҳида эътибори туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар мисли қўрилмаган юксак даражага чиққани, мукамал ва жадал тус олгани таъкидланди. Савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликка оид кенг қўламли дастур ва лойиҳалар фаол амалга оширилаётгани эътироф этилди.

Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Республикасининг олий муқофоти билан тақдирланиши унга халқаро миқёсдаги давлат ва сиёсат арбоби сифатида чуқур ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

Хитой Раиси “Олий Даражали Дўстлик” орденига сазовор бўлган биринчи хорижий давлат раҳбари бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин сермахсул музокаралардан сўнг Самарқандаги “Буюк ипак йўли” халқаро туризм маркази қондида биргаликда дархат эқдилар.

Бу дўст мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга муштарак интилишларнинг навбатдаги рамзи бўлди.

Умуман, Хитой Халқ Республикаси Раисининг мамлакатимизга бу галги ташрифи Хитой ва Ўзбекистоннинг қадимий Буюк ипак йўли орқали боғланган дўстлик, ҳамкорлик алоқаларини янги “Буюк ипак йўли” мажмуасида янада мустаҳкамлаб, ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Хитой Раиси 16 сентябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

САМАРҚАНД САММИТИ ОЛДИДАН САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Бошланиши 1-бетда

Учрашувда Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг асосий вазифалари батафсил қўриб чиқилди, бу борадаги келгуси вазифалар белгилаб олинди. Бўлажак тadbирлар режаси, шу жумладан, Самарқанда ўтадиган Туркий давлатлар ташкилоти саммити кун тартиби қелишиб олинди.

Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Олий даражадаги мулоқотлар мунтазамлик касб этган.

Сўхбат аввалида Тожикистон етакчиси Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотидаги раислигини юқори баҳолади ва Президентимиз раҳбарлигида Самарқанда рўй берган улкан янгиланишларни алоҳида қайд этди.

Самарқанд саммити якунлари ШХТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаши ва ташкилотнинг халқаро нуфузини юксалтириши шубҳасиз экани таъкидланди.

Президентлар биродар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил кенгайиб, мустаҳкамланётганини мамнуният билан қайд этишди.

Жорий йил бошидан ўзаро савдо ҳажми 16 фоизга ошди. Иқтисодиётнинг турли тармақларида, шу жумладан, электротехника, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт ва бошқа соҳаларда қўшма кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ва бутун минтақа манфаатларига жавоб берувчи лойиҳа — Яван ГЭСни барпо этиш ишлари бошлангани муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

Ўзбекистон ва Тожикистон етакчилари долзарб халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган 15 сентябрь куни Самарқандга келди.

Аэропортда уни Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон Ҳазрати Хизр мажмуасидаги Ислом Каримов макбарасига келиб, Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди ва қабрига гул қўйди.

Туркия етакчисининг ташрифи да-турода Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида фахрий меҳмон сифатида иштирок этиш ҳамда қатор икки томонлама учрашувлар ўтказиш режалаштирилган.

ЎЗА

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШХТ САММИТИГА КЕЛДИ

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этиш учун 15 сентябрь куни мамлакатимизга келди.

Самарқанд халқаро аэропортда олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди. Сўнг Қозоғистон Президенти Ҳазрати Хизр мажмуасида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов қабрига гул қўйди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ МУНОСАБАТЛАРИ КЕНГ ҚАМРОВЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий қўтлаб, унинг Самарқанд саммитида иштирок этаётганидан мамнунилигини изхор этди.

Владимир Путин, ўз навбатида, Шавкат Мирзиёевга ҳар доимгидек самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик турли даражада жадал ва самарали ривожланиб бораётганини юксак баҳолади.

Кейинги йилларда кўп қиррали Ўзбекистон — Россия шериклиги мисли қўрилмаган юқори даражага кўтарилгани эътироф этилди.

Дарҳақиқат, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқа кенгайиб бормоқда. Биргаликдаги саъй-ҳаракат натижасида товар айирбошлаш миқдори икки баробардан зиёд қўлайди. Ўтган етти ойнинг ўзида савдо айланмаси 30 фоиздан кўпроқ ўсди. Эътиборлиси, икки томонлама савдо ҳажмининг 70 фоизини юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ташкил қиладди.

Саноат кооперацияси жадал ривожланмоқда. Кейинги йилларда кон-металлургия, ёқилғи-энергетика, кимё, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, тўқимачилик ва бошқа тармоқларда 100 дан зиёд қўшма лойиҳа йўлга қўйилди.

Мулоқот чоғида томонлар, энг аввало, электроника, фармацевтика, тўқимачилик ва тиквтрикотаж саноатида индустриал-технологик шериклини ривожлантириш бўйича комплекс ҳаракатлар режасини қабул қилишга қелишиб олдилар.

Мазкур ташриф доирасида машинасозлик, кимё, нефть-кимё ва геология соҳалари бўйича 4,6 миллиард долларлик янги инвестиция битими имзоланиши қайд этилди.

Таъкидлаш жоиз, ҳамкорликни кенгайтиришда ҳудудлар ўртасида ўрнатилган тўғридан-тўғри алоқа муҳим ўрин тутди. Биринчи ярим йилликда 50 га қийн ўзаро ташрифлар уюштирилди.

Томонлар мамлакатимиз шаҳар ва туманларида қўшма саноат парклари барпо этиш, жорий йил октябрь ойда Ўзбекистон ва Россия ҳудудларининг навбатдаги форумини ўтказишга қелишиб олдилар.

Шунингдек, Президентлар тadbирларга бой ва кенг қўламли маданий-гуманитар ҳамкорликни юксак баҳоладилар.

Россия олий таълим муассасаларининг хориждаги филиаллари сони бўйича Ўзбекистон етакчи ўринни эгаллайди. Сўнгги тўрт йилда юртимизда ушбу мамлакатнинг 12 та нуфузли олийгоҳи филиали очилди ва республикамыздаги РФ олий ўқув юртлари сони 15 тага етди.

ЎЗА

МУШТАРАК ИНТИЛИШЛАР РАМЗИ

Самарқанд шахрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити давом этмоқда. Аввал хабар қилинганидек, ШХТда иштирок этаётган барча мамлакатларнинг етакчилари Ўзбекистонга келди.

Икки томонлама учрашув ва музокаралар якунлангач, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёев, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Респу-бликаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Қозоғис-тон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев “Буюк ипак йўли” хал-

қаро туризм марказида дархатлар экди. Шарқ халқлари қадриятига қўра, дархат экиш — хайрли иш. Мамлакатларимиз етакчилари биргаликда эккан дархатлар ҳам ШХТ давлатларининг

дўстлиги, яхши қўшничилиги, тараққиёт ва равнақ сари муштарак интилишлари рамзидир.

Давлат раҳбарлари шундан сўнг биргаликда “Буюк ипак йўли” халқаро

туризм марказидаги “Боқий шаҳар” мажмуасига борди.

Ушбу мажмуада қадимий шаҳарларимиз қиёфаси, миллий анъаналаримиз билан бирга, дўст халқлар билан алоқалар тарихи ҳам акс эттирилган. Хусусан, Афросиёб ёдгорлиги деворларида сақланиб қолган Корея, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими тасвирларидан фойдаланилган.

Бундай маъно-мазмун, тарих ва бу-гунги кун уйғунлиги меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шу ерда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар етакчилари-нинг ташрифи шарафига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан расмий қабул маросими ўтказилди.

Давлат раҳбарлари ўртасида самими мулоқот бўлди. Улар Самарқанд саммити юксак савияда ўтаётгани, бу-гун икки томонлама учрашувларда му-ҳим қелишувларга эришилганини қайд этдилар.

Саҳнадаги қўй-қўшиқларда ўзаро ҳурмат ва дўстлик, тинчлик, меҳр-му-ҳаббат каби умумбашарий қадриятлар тараннум этилди.

ЎЗА

ҲИНДИСТОН БОШ ВАЗИРИ САМАРҚАНДГА КЕЛДИ

Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Самарқандга келди.

Аэропортда олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ҳиндистон Бош вазири Ўзбекистон Президенти билан учрашув ўтказди.

Унда икки мамлакат ўртасидаги стра-тегик шериклик муносабатларининг бу-гунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинади.

ЎЗА

САМАРҚАНД РУҲИ

ШАРҚ МАШЪАЛИ ЯНА ЎЗ ЁҒДУСИНИ ОЛАМГА ТАРАТМОҚДА

Мансур МУСАЕВ, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори



Бугун дунё нигоҳи қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқандда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистон раислигида ўтказилаётган 22-мажлисига қаратилган. Саммитда 30 дан ортиқ ҳужжат имзоланиши режалаштирилган. Унда ташкилот аъзолари, кузатувчи мақомидаги ва меҳмон мамлакатлар давлат ҳамда ҳукумат раҳбарлари иштирок этмоқда.

Шу билан бирга, саммитга БМТнинг Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, ЮНЕСКО, МДХ, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, Евроосиё иқтисодий иттифоқи, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Араб давлатлари лигаси, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари тақдир қилинган.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Президентининг томонидан кейинги 5 йил мобайнида ШХТ саммитлари доирасида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт логистикаси, инновация каби бошқа соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорлик самардорлигини ошириш борасида 54 та ташаббус илгари сурилгани эътиборга моликдир. Шу ўринда мазкур ташаббусларнинг 33 таси ташкилот доирасида татбиқ этилиб, 17 та ташаббус Самарқанд саммитида амалга оширилиши режалаштирилган бўлса, шундан 4 таси ташкилотга аъзо давлатлар билан биргаликда



ишлаш қараёнида. Самарқанд саммитининг асосий мақсади Маркази ШХТга аъзо давлатлар сафини янада кенгайтиришдир. Бу йўналишда ШХТдаги аъзолик мақомига эга бўлишга интилаётган Эроннинг мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланиши режалаштирилган. Саммит доирасида, шунингдек, ШХТга аъзо давлатлар ўртасида узоқ муддатга мўлжалланган яхши қўшнчилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани 2023-2027 йилларда амалга ошириш бўйича кенг қамровли режа кўриб чиқилади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган мазкур ҳужжат стратегик аҳамиятга эга бўлиб, ШХТга аъзо барча давлатлар томонидан маъқуллангани эътиборга молик.

Самарқанд саммитида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш алоҳида диққат марказида бўлади. Яъни инвестициялар, энергетика, транспорт логистикаси, саноат кооперацияси, ахборот ва телекоммуникациялар, қишлоқ хўжалиғи, божхона ва бошқа соҳалардаги шериклиқни янада мустаҳкамлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни амалга ошириш белгиланади. Шу билан бирга,

Шунингдек, Президентимиз бу муаммолар инсоният тақдирига бевосита дахлдор бўлган муштарак қадрият ва неъматларнинг емирилишига олиб келаётгани ҳамда одамлар ҳаёти ва фаолиятига таҳдид солиб, уларнинг даромад манбаларини қисқартираётганини ташвиш билан қайд этди. Бундай мураккаб шароитда бир ҳақиқат аниқ: ҳеч бир мамлакат ёлғиз ҳолда ушбу глобал хавф-хатарларни четлаб ўтиш ёки бартараф этишга қодир эмас. Бунинг яккаю ягона йўли — конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликда фаолият юритиш.

Инқироз ва бухронлар даврида мамлакатлар, улар хоҳ катта, ўрта ёки кичик бўлсин, уларнинг тор доирадаги манфаатларини устун қўймасдан, аксинча, асосий эътиборни глобал ҳамжиҳатликка қаратиш, таҳдид ва хатарларга қарши умумий саъй-ҳаракат ва имкониятларни бирлаштириш ва сафарбар этиш ташкилотга аъзо барча учун бирдек манфаатли эканини Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтгани эмас.

Ана шундай муҳим ғоя ва ташаббуслар билдирилган мақолада илгари сурилган фикрлар хорижлик қатор экспертлар, сиёсатшунослар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Хусусан, Хитойнинг ШХТ тадқиқот маркази бош котиб Ден Хао шундай фикр юритди: “Хитой эксперт доиралари вакиллари Ўзбекистоннинг ШХТни ривожлантиришга доир конструктив ёндашув ва қарашлари, жумладан, ташкилотнинг турли блоклардан холи мақомга эга экани, очиқлик, учинчи мамлакатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмагани, барча иштирокчи томонларнинг тенглиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, сиёсий қарама-қаршилик ва ихтилофга йўл қўймаслик сингари масалалардаги нуктаи назарига қўшилади. Ўзбекистон ШХТ асосчиларидан бири сифатида ташкилот ривожига муҳим ҳисса қўшди. Мақоладан олинган ушбу иқтибос жуда муҳим: “Тарихан қисқа даврда ШХТ катта йўлни босиб ўтиб, глобал сиёсий ва иқтисодий тизимнинг ажралмас қисмига айланди, деб қатъий ишонч билан айтиш мумкин”. Бу сатрлар муаллифнинг ШХТни янада институционал ривожлантиришнинг муҳимлиги ҳақидаги чуқур қарашларини ифодалайди”.

Мана шундай фикрлар Анкара Инқироз ва сиёсий тадқиқотлар маркази директори Меҳмет Сайфиддин Эрол томонидан ҳам айтилган. У “Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилиш ва Ўзбекистон Президентининг томонидан ушбу тузилма доирасида илгари сурилган устувор вазифаларнинг амалга оширилиши, ҳақиқатан ҳам, жаҳон миқёсида ишонч ва геосиёсий қарама-қаршиликлар инқирози кучайиб бораётган бугунги мураккаб даврда ШХТнинг нуфузи ва мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилди”, дея алоҳида қайд этади.

Эрол мақолада глобал тенденцияларни чуқур таҳлил қилишга, янги муаммолар ва имкониятлар билан ўзаро боғлиқ дунёда ШХТнинг халқаро муаммолар спиралидаги ролини баҳолашга катта эътибор қаратилгани, бунда Ўзбекистон раҳбари “**Хар биримиз кучли бўлсаккина ШХТ кучли бўлади**” шioriни олға сурагани Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги моҳиятини очиб берганини қайд этади.

“**Ягона келажакка эга жамият**” таҳлил маркази ихроци директори Холид Акрам Таймур ҳам бу хусусда сўз юритиб, “Президент Шавкат Мирзиёев ўз мақоласида Ўзбекистон ШХТ мамлакатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга устувор аҳамият беришини таъкидлар экан, ўзаро боғлиқ дунёдаги муаммоларни бартараф этиш бўйича ўз қарашларини ўртоқлашган. Тошкентнинг янги минтақавий сиёсатининг асосий мақсади Марказий ва Жанубий Осиёни барқарорлик ва изчил ривожланиш ҳудудига айлантириш, ишонч, ўзаро ҳурмат ва яхши қўшнчилик муҳитини яратишдир”, дея ёзади.

Холид Акрам Таймур, шунингдек, Ўзбекистон ШХТни муҳим минтақавий форумга айлантириш борасида жиддий саъй-ҳаракатларни амалга ошириш орқали ташкилот тарихида “янги саҳифа” очганига алоҳида эътибор қаратади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда нуфузли халқаро ташкилот сифатида ШХТнинг дунё миқёсидаги энг долзарб муаммоларни самарали ҳал этишдаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Ташкилотга аъзо давлатлар сиёсат, хавфсизлик, иқтисодиёт, савдо, маданият ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни биргаликда таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш муҳим устувор вазифа ҳисобланади.

Бугунги глобаллашув шароитида, минтақавий ва халқаро миқёсда вужудга келаётган кескин ўзгаришлар даврида ШХТ ўзини кўп томонлама ҳамкорликнинг таъсирчан механизми сифатида намоён этмоқда. Ташкилот “Шанхай руҳи” негизида ташкил этилган бўлиб, ушбу тамойил асосида ўзаро ишонч, манфаат, тенглик, маслаҳатлашув, маданий хилма-хилликни ҳурмат қилиш, умумий тараққиётга интилиш каби муҳим қоидаларни ўзида мужассам этади. “Шанхай руҳи” ташкилотга аъзо давлатларнинг сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий қудрати турли даражада бўлишига қарамай, уларнинг барчаси ўзаро тенг ва ҳамжиҳатлигини англатади.

Ҳеч муболага йўқки, ШХТ саммити бўлиб ўтаётган Самарқанд шаҳри Шарқ машъали сифатида яна ўз ёғдусини оламга таратмоқда.

Шу кунларда мамлакатимиз муҳим тадбир — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитига мезбонлик қилмоқда. Евроосиё минтақасидаги энг йирик халқаро сиёсий форумлардан бирига айланган ушбу саммит Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтмоқда. 2001 йилда ташкил топган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бугунги кунга қадар тўлақонли ва нуфузли халқаро ташкилот сифатида қатъий шаклланди. Минтақада барқарорлик ва хавфсизликни сақлаш, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда кўп қиррали самарали ҳамкорликни ўзида мужассам этган ШХТ фаолияти унга аъзо бўлган давлатларнинг тенг ҳуқуқлилиги тамойили асосида ривожланмоқда. Унинг асосий фундаментал принципларига назар ташланадиган бўлса, ташкилот фаолияти бошқа мамлакатлар манфаатларига қарши йўналтирилмагани ва блокли қарама-қаршилик хусусиятига эга эмаслиги яққол намоён бўлади.

ИШОНЧ ВА ҲАМКОРЛИК ТИМСОЛИ



Наримон УМАРОВ, Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тузилишида таъсисчи сифатида иштирок этган, унинг изчил ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган ва қўшишда давом этиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” мақоласида энг долзарб мавзу — тинчлик-товушликни, тараққиёт йўлида ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига эътибор қаратилган.

Бугунги кунда давлатлар ўртасида ўзаро ишонч йўқолиб, геосиёсий уйинлар, айрим ҳудудлардаги қуроли моҳаролар туфайли халқаро муносабатларга путур етпти. На-тижада савдо ва инвестиция оқими издан чиқаётгани, озиқ-овқат ва энергетика хавф-

Албатта, тинчлик ва барқарорликка бир томонлама саъй-ҳаракатлар орқали эришиб бўлмайди. Бунинг учун минтақада тинчлик ва тотувлиқни таъминлаш зарур. Хусусан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш муҳим вазифа. Шу боис, Ўзбекистон Президенти ШХТнинг Самарқанддаги саммити олдидан қўшни Афғонистон масаласида билдириб ўтган фикрда ушбу мамлакат ШХТ маконининг ажралмас қисми экани, ШХТ доирасида шаклланган ижобий тажрибадан Афғонистонни ривожлантиришда фойдаланиш муҳим ва долзарблигини таъкидлади.

Шу билан бирга, афғон халқи қўшни ва хайрихоҳ давлатлар кўмағига ҳар қачонгидан ҳам муҳтожлиги, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, минтақавий ва глобал тараққиёт жа-раёнларига интеграциялашувига кўмаклашиш ва шу орқали ушбу мамлакатнинг кўп йиллик инқироздан чиқиши учун қулай шароит яратиб бериш кераклиги алоҳида таъкидланди.

Мазкур кўп томонлама кўмаклашув ва минтақаларо ҳамкорлик доирасида Трансафғон коридори қурилиши лойиҳаси муҳим аҳамият касб этади. Термиз — Мозори Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли каби қўшма инфратузилма лойиҳаларини биргаликда рўйбга чиқариш орқали биргина ижтимоий-иқтисодий ва транспорт коммуникацияси масалаларини эмас, минтақавий хавфсизликни таъминлаш ишларини ҳам амалга ошириш мумкин бўлади.

Афғонистонда глобал аҳамиятга молик ҳал этилиши лозим бўлган кўплаб муаммолар мавжуд. ШХТ — Афғонистон мулоқот гуруҳи



сизлиги янада кескинлашаётгани жаҳон иқтисодиётини инқироз ёқасига олиб келмоқда. Президентимизнинг мақоласида ана шундай глобал муаммолар чуқур таҳлил қилиниб, саммит натижалари аъзо давлатларга ривожланишнинг қандай янги имкониятларини очиб бериши хусусида сўз юритилган. Кенг қўламли долзарб масалалар қаторида минтақа учун ўта муҳим бўлган Афғонистондаги вазиятга алоҳида ургу берилган.

Рўй бераётган ўзгаришларга қарамай, сўнгги пайтларда Марказий Осиё давлатлари томонидан минтақада барқарор ривожланиш ҳамда ишонч ва дўстлик маконини шакллантириш бўйича дадил қадам ташланмоқда. Ўзбекистон Президентининг очиқлик сиёсати йўналтирилган саъй-ҳаракатлари минтақа мамлакатларининг барқарорлиги ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этаётди. ШХТнинг фаол ролини кенгайтириш ғояси асосида Марказий Осиё минтақаси давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари мунтазам ўтказилиши барча аъзо давлатлар етакчилари томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

доирасида Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш бўйича амалий чора-тадбирлар қабул қилиниши тинчлик ва ҳамкорликни кучайтириш йўлида амалга оширилаётган муҳим ташаббус бўлиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Афғонистон халқига доимо дўстона муносабатда бўлган. Давлатимиз раҳбарининг қўшни давлат масаласидаги ҳар бир тақдир ва ташаббуси бу ерда тинчлик ўрнати-лиши, сиёсий қарама-қаршиликларнинг бар-траф этилиши, мамлакат барқарорлиги ва тараққиётини дастаклашга қаратилгандир.

Президентимизнинг ШХТнинг 20 йилдан ортиқ вақт давомида эришган кенг қўламли ижобий ва муваффақиятли тажрибасидан Афғонистонни ривожлантириш масаласида фойдаланиш тақдирини ҳам ниҳоятда қимматли ғоя. Саммитда мазкур тақдир аъзо давлатлар томонидан қўллаб-қувватланишига ишонамиз. Зеро, Ўзбекистоннинг ташкилот доирасидаги аниқ ва амалий ташаббуслари Афғонистонда озиқ-овқат, нефть ва электр энергияси, гуманитар инқирозга йўл қўймаслик, сиёсий барқарорлик, ижтимоий-иқтисодий, транспорт коммуникацияси ривожланиши, қолаверса, минтақавий хавфсизликни таъминлашга кўмак беради.

Ўйлаймизки, Самарқанд Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг тарихий аҳамиятини янгилайди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, қўшма ва ҳамиша навқирон Самарқанднинг шонли тарихий мероси ва ўзига хос руҳи бунга хизмат қилади. Саммитдан қўллаб-қувватланган натижалар “Хар биримиз кучли бўлсаккина ШХТ кучли бўлади” шiori асосида “Самарқанд руҳи” билан уйғунлашиб, унинг аҳамиятини янада бойитиб.



ШҲТ САММИТИ ВА УНИНГ ДОИРАСИДАГИ ТАДБИРЛАР

ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ҲАМЖАМИЯТИ ВА ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ НИГОҲИДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилаётган **“Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик”** сарлавҳали концептуал мақоласи хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари вакиллари ва чет эл оммавий ахборот воситалари томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Хусусан, ушбу муҳим мавзунинг қамраб олган мақола **“The Korea Times”** газетаси (Жанубий Корея), **“Püž Al-Юсф”** газетаси ва **“Diplomacy”** журналы (Миср), **“Oroszhirek.hu”** ва **“hiredo.hu”** электрон нашрлари (Венгрия), **“Kurier”** ва **“Orf.at”** (Австрия), **“cas.sk”** ахборот портали (Словакия) ва кўплаб хорижий оммавий ахборот воситалари саҳифаларида эълон қилинди.

Жанубий Кореянинг етакчи нашрларидан бири **“The Korea Times”** газетаси мақолада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг замонавий дунёдаги аҳамияти, ташкилот кўзлаган мақсадлар ва истиқболлар ҳақидаги қарашлари, фикр ва баҳолари ўзининг яққол ифодасини топганини қайд этган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари мақоласи Миср оммавий ахборот воситаларида ҳам катта қизиқиш уйғотиб, мамлакатнинг 15 дан ортиқ оммабоп газета ва онлайн нашрларида эълон қилинди.

Мақола **“ШҲТ оиласи”** давлатлари, Осиё, Америка, Европа ва Африка мамлакатларида араб, инглиз, француз, итальян, немис, рус, хитой, венгер ва бошқа тилларда чоп этилди.

Юқоридагилар билан бирга, давлатимиз раҳбарининг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Самарқанд саммитига бағишланган дастурий аҳамиятга эга ушбу мақоласи хорижий давлатларнинг сиёсий, илмий-академик ва ишбилармон доиралари ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Маҳмуд ул-ҲАСАН ХОН, Жанубий Осиё ва халқаро тадқиқотлар маркази ижрочи директори (Покистон):

— 2022 йил 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ШҲТ давлат раҳбарлари кенгашининг 2022 йилги саммити бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон 2001 йил 15 июнь кuni ташкил этилган ШҲТнинг таъсисчиларидан бири бўлиб, унинг тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда.

2017-2021 йиллар даврида Ўзбекистон Президенти сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт логистикаси, инновация ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик самарадорлигини оширишга қаратилган 45 та муҳим ташаббус билан чиқди. Ушбу таклифлар ШҲТ саммитлари кун тартибига киритилди. Улардан

22 таси тўлиқ амалга оширилган, 23 таси рўёбга чиқарилиш жараёнида.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ташаббуси билан Тошкентда ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ташкил этилгани таҳсинга сазовордир.

Ўзбекистон ШҲТга амалдаги раислиги даврида 80 га яқин муҳим тадбир ўтказишга муваффақ бўлди. Бир йил ичида ШҲТнинг 37 та хужжатини уйғунлаштириш жараёнини бошлаб берди, мувофиқлаштирди ва яқунлади. Бундан ташқари, ушбу хужжатларнинг 30 таси Ўзбекистон ташаббуси билан ишлаб чиқилган бўлиб, Президент Шавкат Мирзиёев ШҲТнинг концептуал, умумқамровли ва стратегик аҳамиятини янада ошириш ҳамда интеграциялаш бўйича яхлит, тўлиқ сиёсатни қабул қилди. Шу тариқа ШҲТда ўзаро ҳамкорлик соҳаларининг институционал кенгайиши янада такомиллаштирилди, тизимлаштирилди ва мустаҳкамланди.



Ўзбекистон раислигида Транспорт алоқалари стратегияси, Худудлараро савдони ривожлантириш режаси, Инфратузилмани ривожлантириш дастури янги инновацион

ғоялар ва ҳужжатлари тақдим этилди, “ШҲТнинг яхши ният элчиси” институти ташкил қилинди. Шунингдек, Иқтисодиёт форуми, ШҲТ sanoat инновациялари ҳафталиги, Худудлар раҳбарлари форуми, Sanoat кооперацияси форуми, “Куёшли Ўзбекистон” мева-сабзавот маҳсулотлари кўргазмаси ўтказилди ва булар ШҲТнинг самарадорлигини янада кенгайтди.

ШҲТ давлатларининг умумий аҳолиси деярли 3,5 миллиард кишини, дунё аҳлининг тахминан ярмини ташкил қилади. Аъзо давлатларнинг умумий ҳудуди 34 миллион квадрат километрдан ошади, бу Евроосиё қитъаси ҳудудининг 60 фоиздан ортиғидир. Демак, ШҲТ келгусида ижтимоий-иқтисодий фаровонлик ва минтақавий алоқаларни кенгайтириш қалитига эга, бунда Ўзбекистон боғловчи марказ бўлиб муҳим роль ўйнамоқда.

Маҳди ЗАБАЛ, Миср — Ўзбекистон дўстлик жамияти раиси:

— ШҲТнинг Самарқанд саммити арафасида Ўзбекистон раҳбари томонидан бутун дунё жамоатчилиги эътиборига ҳавола қилинган ушбу мақолада кенг қамровли ва ҳар жиҳатдан долзарб масалалар юзасидан муҳим фикр-мулоҳазалар тақдим этилган. Унда, хусусан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг блок эмаслиги, аксинча, бошқа ишончли ҳамроҳлар билан шериклик олиб боришга тайёр халқаро бирлашма экани алоҳида қайд этилган. Дарҳақиқат, ушбу омиллар туфайли мазкур тузилманинг нуфузи тобора юксалиб бормоқда: қатор араб давлатлари, жумладан, Миср, Қатар, Саудия Арабистони, Бахрайн, БАА ҳамда Араб давлатлари уюшмаси ШҲТга катта қизиқиш билдирмоқда.

Самарқанддаги тадбир, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг дўстлик ва очиликка асосланган проактив ташқи сиёсатининг мантиқий давоми бўлишига ишонаман.



Ўзбекистон қисқа вақт ичида бутун Марказий Осиё давлатлари ўртасида мустаҳкам ишонч ўрнатиш, Афғонистонда барқарорликни таъминлашга қаратилган саяё-ҳаракатлар орқали Жанубий Осиё билан тарихий ришталарни тиклашга эришяётган бўлса, ўз раислиги даврида дунё аҳолисининг деярли ярмини бирлаштириб турувчи ташкилот нуфузи ошишига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Мазкур мақола ҳам Ўзбекистон раҳбарининг ушбу эзгу мақсад йўлидаги интилишларини ўзида яққол акс эттирган.

Канада парламенти Жамоалар палатасидаги Канада — Ўзбекистон дўстлик гуруҳи раиси, Альберт провинциясидан Канада парламенти аъзоси Зиёд Абуолтаиф ШҲТнинг йирик минтақавий ташкилот сифатида шаклланишида Ўзбекистоннинг ролини алоҳида таъкидлади, деб хабар бермоқда “Дунё” АА агентлиги мамлакатимиз элчихонаси маълумотларига таянган ҳолда.

Зиёд АБУОЛТАИФ, Канада — Ўзбекистон дўстлик гуруҳи раиси:

— ШҲТнинг йирик халқаро тузилма сифатида шаклланишида Ўзбекистоннинг ташкилотдаги раислиги муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатнинг минтақавий хавфсизлик, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни чуқурлаштириш, шунингдек, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва ижтимоий муаммоларни илгари суриш сингари масалаларда ташаббускорлик нуқтаи назаридан етакчилик ўрни ҳаммага яхши маълум.

ШҲТнинг бу ва бошқа масалалар юзасидан йўналиши белгиланишида Ўзбекистоннинг таъсири ташкилотга аъзо давлатлар томонидан ижобий баҳосини олди. ШҲТ



раҳбарлари уч йил ичида биринчи мартаба юзма-юз учрашмоқда. Ишончим комилки, Самарқандда самарали муҳокамалар бўлиб ўтади ва улар Ўзбекистонга, минтақага ҳамда дунёга наф келтиради.

“Дунё” АА

СЎЗ – САММИТ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

ТАРАҚҚИЁТ, ТИНЧЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКНИНГ ЯНГИ МАКОНИ ПАЙДО БЎЛМОҚДА

Бугун бутун Ўзбекистон, хусусан, Самарқанд шаҳри ШҲТ саммити шукуҳи билан яшамоқда. Бу саммитнинг ўзига хос жиҳатлари кўп. Жумладан, ўзгараётган дунёда ўзаро ишонч руҳи билан ривожланиш тенденцияларини ўзида қамраб олган нуфузли тадбир доирасида бир қатор йўналишларда муҳим келишувларга эришиш мақсад қилинган. Ташкилот маконининг кенгайиши йўлида ҳам катта қадам қўйилмоқда.

Мухбиримиз Самарқанд саммитида бевосита иштирок этаётган экспертларнинг нуфузли тадбир ва ундан қутилаётган муҳим воқеликлар ҳақидаги фикрлари билан қизикди.

Зилола ЮНУСОВА, Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Халқаро муносабатлар бўйича ахборот- таҳлилий маркази бўлим бошлиғи:

— ШҲТнинг Самарқанд саммити доирасида Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли қурилиши лойиҳаси бўйича ҳамкорлик тўғрисида уч томонлама битим имзоланди.

Иигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида муҳокамада бўлган бу лойиҳанинг Самарқандда ўз ечимини топгани ҳам Ўзбекистон ташаббусларининг нақадар аҳамият экани ва ўзаро боғлиқлик тенденцияларига ҳамоҳанглигидан далолат беради.

Бу лойиҳа ҳақида гапирганда, биринчидан, Хитойдан Ўзбекистон орқали Европага ва жанубий коридорлардан Форс кўрфази давлатларига ташувларни амалга ошириш имкони пайдо бўлишига эътибор қаратиш зарур бўлади. Иккинчидан, мазкур лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши билан ўзаро савдо географияси сезиларли кенгайди.

Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли ишга тушиши билан ҳозирги масофа 900 километр қисқаради. Бу дегани, масалан, Хитойдан Марказий Осиё орқали Яқин Шарқ ва Европа мамлакатларига товарларни 7-8 кунда етказиб бериш имконини юзага келтиради. Албатта, бу товарларнинг ташқи бозорда рақобатбардошлигини оширади, ўз навбатида, таннарх арзонлашишига ҳам таъсир кўрсатади.

Мазкур келишув, аввало, Марказий Осиё давлатлари учун катта имкониятлар эшигини очади. Жумладан, минтақанинг транспорт транзити салоҳиятини янада оширади, келажакда Ўзбекистонга Туркманистон



Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли ишга тушиши билан ҳозирги масофа 900 километр қисқаради. Бу дегани, масалан, Хитойдан Марказий Осиё орқали Яқин Шарқ ва Европа мамлакатларига товарларни 7-8 кунда етказиб бериш имконини юзага келтиради. Албатта, бу товарларнинг ташқи бозорда рақобатбардошлигини оширади, ўз навбатида, таннарх арзонлашишига ҳам таъсир кўрсатади.

орқали Озарбайжонга, у ердан Туркия ва Европа мамлакатларига, Эрон орқали эса Форс кўрфазига чиқиш имконини беради.

Сайфиддин ЖЎРАЕВ, Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори, сиёсатшунос:

— ШҲТ саммити ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, аҳиллик ва ишонч муҳитини, барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган. Бу айни дамда энг долзарб масала, ўта муҳим воқелиқдир.

Бугун дунёда вазият тобора мураккаблашиб бормоқда. Айрим давлатлар ўртасида келишмовчилик ва сиёсий можаролар юзага келмоқда. Бу жаҳон халқлари ҳаёти ва давлатлар иқтисодий тараққиётига салбий таъсир кўрсатаяпти. Мана шундай вазиятда ўзаро мулоқотга асосланган ҳамкорликда ишловчи платформага эҳтиёж сезилади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ана шундай платформага айланиб бормоқда.

Рустам ҲАСАНОВ, Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтини лойиҳа раҳбари, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор:

— ШҲТнинг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтаётган саммити, геосиёсий ва иқтисодий вазиятнинг ҳозирги ҳолати ва кейинги қутилаётган натижаларни ҳисобга оладиган бўлсак, алоҳида аҳамиятга эга.

Саммитда муҳокама қилинадиган энг муҳим масалалардан бири иқтисодий ҳамкорликнинг янги жабҳаларини белгилаб олишдир.

Жаҳон иқтисодиётининг бугунги янги шароитида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар иқтисодий ҳамкорлик салоҳиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. 2021 йил якунларига кўра,



Йўлаймизки, бу галги саммит доирасида эришиладиган келишув ва маслаҳатлашувлар нафақат ШҲТ макониди, балки дунёнинг бошқа минтақаларида ҳам бар-



ШҲТга аъзо давлатлар ташқи савдоси 33 фоиз ўсиб, 8 триллион доллардан ошгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Саммитда ШҲТнинг минтақалараро савдони ошириш дастури имзоланиши кутилмоқда. Бунда ҳар бир аъзо мамлакатнинг ички имкониятлари ва ташқи ҳамкорлик

қарорлик ва тараққиётни таъминлашга хизмат қилади.

Бу биргина ШҲТ макони кенгайиши билан ҳам янги мазмун касб этади. Гап Самарқанд саммитида Эрон Ислом Республикасининг ташкилотга аъзо давлат макomini олиш мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзолангани ҳақида кетмоқда.

Эрон Яқин Шарқ минтақасида тез тараққий этаётган мамлакатдир. Эроннинг иқтисодий салоҳияти илмий ва технология жиҳатдан жадал ўсиб бормоқда. Яна бир эътиборли жиҳати, Эроннинг ташкилотга аъзо бўлиб кириши Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатларини океанга, яъни дунё бозорига яқинлаштиради. Бу ҳамкорлик савдо-сотиқ ривожланишига, экспорт салоҳияти ошиши ва географияси кенгайишига, умуман, барча йўналишлар истиқболига ижобий таъсир кўрсатади.

омиллари нафақат ўзаро савдо-сотиқни, шу билан бирга, миллий ишлаб чиқариш йўналишлари трансформация қилинишига эришиш мумкин бўлади.

ШҲТга аъзо давлатлар аҳолиси фаровонлигини ошириш учун Ўзбекистон томонидан sanoat кооперациясини рағбатлантириш бўйича таклиф этилган дастурнинг қабул қилиниши иқтисодиётнинг таркибий тузилишида ўзгаришларни таъминлаб, янги ишлаб чиқариш салоҳиятларини юзага чиқаради.

ШҲТга аъзо давлатларнинг асрлар давомида Буюк ипак йўли билан бирлашган, Шарқдан Фарбга ва Фарбдан Шарққа товарлар ва хизматлар алмашинувини таъминловчи транспорт артериясини шакллантириш ва ишга тушириш ўзаро боғлиқликдаги улкан салоҳият мавжудлигини реал воқеликка айлантиради.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири
Лутфулла СУВОНОВ ёзиб олди.**

ОРОЛЬЎЙИ: КРАУДФАНДИНГ ПЛАТФОРМАСИ ОРҚАЛИ ҲАР БИР НИҲОЛ ЭЪТИБОРДА

Камолиддин ИДИРИСОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Оролбўйи халқаро инновация маркази директори
ўринбосари

Табиат гўзалликни севади, унга қанча меҳр берсанг, шунча гуллаб-яшнайверади. Бир вақтлар қовжираб ётган ер, қақраган чўлда ҳаёт қайнаётганини кўрганда ҳаёлимиздан шу фикрлар ўтади. Қумлоқ жойда ҳам бемалол илдиз отиб, бўй чўзган ўсимликлар Орол фожиасини юмшатишга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ўйлангани ва ўз натижасини бераётганидан дарак.



Давлатимиз раҳбари минтақадаги экоҳалокатнинг таъсирини чуқур идрок этган ҳолда, замонавий илм-фан янгиликларини сафарбар этиб, фожиа оқибатларини юмшатиш ва келажақда содир бўлиши тахмин қилинган бошқа ҳалокатларнинг олдини олиш мақсадида 2018 йил 16 октябрда “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорни имзолаган эди.

Хужжат шўрланган ерларда илмий тадқиқот ва амалий ишлар қўламини кенгайтириш баробарида экотизимни яхшилаш ҳамда илгор тажрибалар, янги лойиҳаларни жорий этишда муҳим дастур бўлди. Кўрилаётган чоралар нафақат ушбу жойга туташ ҳудудлар, балки бутун минтақа ҳаёти учун муҳим. Ахир кучли шамол таъсирида ҳавога кўтарилган тузли чанг бўронлари чегараларни писанд қилармиди.

Айтиш жоиз, саҳорни дарахтзорга айлантириш, яйловларни ривожлантириб, қурғоқчиликни бошқариш ҳамда иқлим ўзгаришларига мослашувчанликни белгилашга қаратилган лойиҳалар Орол денгизи ҳавзасини экологик соғломлаштиришга хизмат қилмоқда.

Албатта, атроф-муҳитга таъсири катта, узоқ муددатли муаммоларни ҳал қилиш учун инновация ва янгича ёндашувлар талаб этилади. Шўрланган ерларда экинларни сўғоришда сувнинг туз балансини яхшилаш учун тўяткич, ширин қизилмия каби ёввойи ўсимликлар маданийлаштирилиб, “Саманбай” тажриба синов майдонига турли мамлакатлардан келтирилган киноа, амарант, бўфел ўти, қўк тарик, донли жўхори намуналари синовдан ўтказилмоқда.

Хитой Фанлар академиясига қарашли Синьцзян Экология ва география институти билан ҳамкорликда “Саманбай” участкасида бир гектар майдонга пахта, 0,5 гектар майдонга қовун ва тарвуз уруғлари экилди. “Мўйноқ” участкасида 1,7 гектар ерга галофит ўсимлик уруғлари тажриба-синов учун экилди. Қувонарлиси, бу экин майдонларида томчилатиб сўғориш тизими ва кичик метеостанция ташкил этилди.

тон Республикасининг Мўйноқ, Бўзатов, Қўнғирот ва Нукус туманлари ёшларига ижтимоий стартап лойиҳалар ишлаб чиқиш бўйича билимларни эгаллашга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Лойиҳа доирасида қорақалпоғистонлик 20 нафардан ортиқ ёшларнинг инновацион ва стартап лойиҳаларини молиялаштиришга 20 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилди. Ёшлар Оролбўйи аҳолисига енгиллик яратиш орқали муаммонинг таъсирини камайтиришга бел боғлаган.

Ичимлик сув танқислиги кузатиладиган Мўйноқ туманида босма кранлардан кўп фойдаланилади. Аммо улардан сув олиш жисмоний меҳнат талаб қилгани боис, ёши катта инсонлар учун ноқулайлик келтириб чиқариши табиий. Артур Утегенов бундай қурилмаларни ишлашни енгиллаштириш учун оддий материаллардан шомол гибрид насосини яратди. Шомол кучи ва гибрид насос ускунасидан фойдаланиб сув олишда ҳеч қандай жисмоний куч талаб қилмайди. Қурилма томорқа экинларини сўғоришда ҳам ёрдам беради. Ишлатиладиган хомашёлар маҳаллий бўлиб, ортиқча харажат ҳам талаб қилмайди.

Нукуслик Азада Бекниязова томонидан амалга оширилаётган лойиҳа эса маиший чиқиндиларнинг табиатга зарарини камайтириш ва яхшигина даромад манбаи бўлиши билан аҳамиятли. Пластик идишлар тупроқ қатлами учун жуда катта зиён келтиради. Йўлларда ташлаб кетилган бундай идишлар, қоғоз қутиларни кўрганда дилимиз хира бўлади. Аммо қайта ишлаш орқали улардан кўзни қувнатадиган буюмлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Лойиҳа муаллифи мана шундай махсулотлардан товук инкубаторлари ҳамда эсдалик совғалар ясашни йўлга қўйган. Бежирим буюмларга талаб юқори. Аҳамиятлиси, маҳаллий аҳолидан хомашё — чиқиндиларни йиғиб олиб, экологик муаммони бартараф этишга кўмаклашяпти.

2022 йилнинг биринчи чорагида UNICEF билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида ижтимоий инновациялар ва тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича “Upshift 2022” ва “Generation Unlimited 3.0” халқаро челленжи амалга оширилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича Мўйноқ, Қўнғирот ва Бўзатов туманларининг 50 нафардан ортиқ ёшлари ижтимоий ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилди.

Краудфандинг аҳоли иштирокини кенгайтиради

Инсон табиатан шундай: қачонки ўзи ҳам меҳнат қилса, ақлий салоҳиятини



БУГУНГИ КУН ҚАҲРАМОНЛАРИ

ҲАРАКАТ ВА ТАЖРИБА

ТАДБИРКОРЛИҚДА МУВАФФАҚИЯТ МЕЗОНИ

Баҳром Йўлдошев тадбиркорлик фаолиятини бошлаганида ҳали анча ёш эди. Дастлаб бозор ёнида кичик бинони ижарага олиб, озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини йўлга қўйди. Бозор иқтисодийёти шароитида қайси соҳани танламанг, кучли рақобат мавжуд. Ана шу муҳитга мослашиб, бозорда ўз ўрнини топа олган ишбилармоннинг иши юришади.

Баҳром ҳам дастлабки пайтда ўзини кучли синовлар кутиб турганини яхши аңгларди. 2006 йил молиявий қийинчиликлар сабаб ўз фаолиятини тўхтатган Нукус сут заводини ижарага олди.

— Катта бино бўм-бўш ётарди. Усқуналарни эса эскирган. Умудан талабга жавоб бермасди, — дейди Баҳром Йўлдошев. — 2008 йили кредит олиб, бинони аукционда сотиб олдим. Дастлаб музқаймоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим.

Ишлари аста-секин юришаётган тадбиркор “Табассум Нукус” умумий овқатланиш корхонасини ташкил этди. Бу борада ҳам унга омад кулиб бокди.

— Йиллик айланма маблағимиз 25 миллиард сўмдан ошиб кетди, — дейди “Табассум Нукус” масъулияти чекланган жамияти иш бошқарувчиси Шахноза Шомуротова. — Мижоз ҳамиша ҳақ, деган нақл жамоамиз шиориға айланган.

Айни кунларда Баҳром Йўлдошев Нукус деҳқон бозори ёнида катта савдо мажмуасини қуриб, фойдаланишга туширди.

— 2019 йили ушбу лойиҳа учун банкнинг 25 миллиард сўм кредитидан фойдаландик, — дейди тадбиркор. — Бугунги кунда бу ерда 270 дан ортиқ тадбиркор ижарада иш юритмоқда.

Корхона тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириб, Чимбой, Хўжайли ва Шуманай туманларида ҳамда Нукус шаҳрида бир неча савдо шоҳобчалари очди. Айни пайтда маъзур тадбиркорлик тузилмасида ишлайдиганлар сони 500 кишига етди.

— Корхонамизда ҳар куни 5 тоннагача кефир, қатик, қаймоқ, сметана,

творог, сузма, қуритилган сут ва йогурт тайёрлаяпмиз, — дейди “Нукус Делиша” корхонаси иш юритувчиси Жасур Полвонов. — Нафақат Оролбўйи, балки қўшни вилоятларга ҳам маҳсулот етказиб берапмиз.

Баҳром Йўлдошев ўтган йили Амударё туманида “Амударё” кластерини ҳам ташкил этди. Ғаллачиликка ихтисослаштирилган кластер Қипчоқ маҳалласидаги ун заводиға умумий қиймати 750 минг долларлик замонавий технологик линия келтириб ўрнатди. Демак, келгусида етиштирилган бугдой шу ернинг ўзида қайта ишланади.

Ўзлаб оилалар бандлигини таъминлаб, бозорларимиз тўқинлигига хизмат қилаётган Баҳром Йўлдошев

ги томонидан 30,4 гектар ер майдони ажратилди. Қувонарлиси, бугунги кунда лойиҳада иштирок этиб, ўз ҳиссасини қўшиш истагида бўлганларнинг сони ортиб бормоқда.

Галофитлар оқсил моддасига бой

Табиатда галофит, яъни шўрланган ерларга мослашган ўсимликлар ўсади. Улардан ҳосил олиш ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари сифатида фойдаланиш анча яхши самара бермоқда. Япония ҳўкумати ва Оролбўйи халқаро инновацион маркази ҳамкорлигида амалга оширилаётган “SATREPS — 2022” (Барқарор ривожланиш йўлидаги илмий тадқиқот ва технологик ҳамкорлик) дастури галофит ўсимликларидан маҳаллий чорва ёки парранда учун ем олиш, ҳатто аҳоли рацони учун ҳам маҳсулотлар яратиши билан аҳамиятли. Орол ҳавзасида табиий ўсаётган ўсимликларнинг ген маълумотларини ишга солиш, шўрланиши юқори бўлган бошқа ҳудудларда ўсадиган ўсимликларни олиб келиб қўпайтириш устида тадқиқотлар олиб борапмиз.

Чўл шароитида ўсимликларни етиштириш қўшимча сув ресурсларини талаб қилади, деган тушунча бор. Бундай жойларда аграр соҳани ривожлантириш орқали яна табиатга зиён етказилмайдими, деган савол пайдо бўлиши табиий. Галофит ўсимликларининг аjoyиб хусусияти бор: улар айнан шўрланган ерларда ўсиб, ортиқча сув талаб қилмайди. Айримлари ўзига тузни тортиб олиб, тупроқни тозалайди. Чўл шароитида етиштириладиган ўсимликларда оқсил моддаси кўп бўлгани боис, чорвачиликка сарфланадиган харажатлар иқтисод қилинади.

Шомол тезлиги ва қўм учшини инобатга олиш зарур

Жорий йил 23 февраль куни Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида Орол денгизининг қуриган тубига бориб, бепоен чўлни ўрмонзорлаштиришга қаратилган барча ҳаракатлар илмий асосланган бўлиши, ўсимликларнинг генетикасини ўрганиб, шомолнинг тезлигию кўминг учшига қараб янги навларни танлаш ва кейинги босқичда чорвачиликни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берди.



сингари тадбиркорларни бугунги куннинг ҳақиқий қаҳрамонлари дейиш мумкин.

Умуман олганда, Қорақалпоғистонда тадбиркорлиқни ривожлантириш дастурлари доирасида йил якунига қадар қўшимча равишда 200 миллиард сўм кредит ажратилиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Оролбўйини қузарат экан, чўл ўсимликларини экишда ҳам чуқур таҳлил ва илмий ҳулосаларга таянмишини лозимлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, илмий ёндашувлар — муаммоларнинг энг осон ечими. Чўлда ўрмонзор барпо этамиз деганимизда, дастлаб бизга одамлар ишонмаганди. Ҳар томонлама пухта ўйланган тадбирларни амалга ошириб, катта майдонда “яшил қопламалар”ни барпо этиб, шубҳани ишончга айлантирдик. Яқин ўн йил ичида бу ерда экотуризмни ривожлантираемиз. Бу ерда бўри, қуён каби хайвонлар пайдо бўла бошлаганидан ҳам маълумки, жониворлар учун ҳам қулай шароит яратилмоқда. Бизнинг олдимизга Оролбўйининг флора ва фаунасини яхшилаш бўйича 5 йиллик миллий дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Албатта, ҳар қарч ерининг ҳолати ва имкониётларини ўрганиб, қутилган натижага эришамиз.

Давлатимиз раҳбари чўл ўсимликларини қўпайтиришга алоҳида эътибор қаратганда катта маъно бор. Атроф-муҳит экологик ҳолатини яхшилашда “яшил қоплама”лар алоҳида аҳамиятли. 10-14 метр секунд тезликдаги шомоллар сабаб юзгага келадиган қўм бўронлари натижасида ҳаво таркибиде чанг миқдори меъёрдан 5, 9 баробар қўпайиши аниқланган. Саксовул, черкез каби ўсимликларни қўпайтириш орқали кўчма қўмларни жиловлаш мумкин.

Экологик муаммолар башариятга тегишли, десак муболага бўлмайди. Инкирозни имкониётга айлантиришга қаратилган лойиҳаларимизга чет элликлар ҳам катта қизиқиш билдирмоқда. Жорий йилнинг 15-18 август кунлари Германиядаги Тупроқшунослик институти директори Георг Гүтгенбергер бошчилигида Ганновер университети талабалари Оролбўйи халқаро инновация маркази ходимлари билан биргаликда Нукус ва Мўйноқ туманларида ўқув амалиётини ўтади. Ўқув амалиёти Қозғогистон ва Ўзбекистоннинг тупроқ ва сув ресурслари, улардан фойдаланиш ва юзгага келаётган экологик муаммолар, шунингдек, янада барқарор бошқарув вариантларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Инновацияларни жорий этиш бизга Оролбўйига инвестицияларни жалб қилиш ва Орол денгизи инкирозининг оқибатларини бартараф этиш, Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш, чўлланиш ва экологик миграциянинг олдини олиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқлим ўзгаришига мослашиш, экотуризмни ривожлантириш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш имкониётларини очиб беради.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Марказнинг маҳаллий ва хорижлик ҳамкорлари билан шериклик муносабатлари албатта ижодий ютуқларнинг янги чўққиларига чиқади. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар тўғрйли Халқаро инновация маркази Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар зонасига айлантириш учун ягона платформага айланади.

2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегиясининг олтинчи йўналишида Орол денгизининг қуриган тубида қўшимча 500 минг гектар яшил майдонларни барпо этиб, 2026 йил якунига қадар ҳудуднинг 78 фоизини ана шундай майдонга айлантириш асосий мақсадлардан бири этиб белгиланган. Демак, бу масканлар янада гуллаб-яшнади. Албатта, маъзур муаммоларни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни тизимли амалга оширишда барчамиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



БОҚИЙ МЕРОС

Бахшилар нафақат ўтмишимизнинг акс-садоси,
балки бугуннинг жарангдор овозидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

БАХШИЧИЛИК



Бугун халқимиз орасида номи тилга туша бошлаган қайси бир спортчи, санъаткор ёхуд илм кишисидан келгуси режаларини сўраманг, Ўзбекистонни бутун дунёга танитсам, дейди. Бу борада спортчиларни етакчи ўрнига қўйишимизга асос бор, зеро, ҳеч нарса мамлакатни спортчилик тез дунёга танита олмаслиги ўз исботини топган.

Назаримда, санъатга ҳам шундай баҳо берса бўлади. Айниқса, кейинги йилларда санъат ва маданият соҳасини ривожлантириш йўлидаги тизимли ишлар, соҳа вакиллари яратилётган қўлайликлар халқро муносабатларда ўз самарасини берадиган. Ахир ўзингиз ўйланг, ҳали ўзи ҳам талаба бўлган ёш бахшимизнинг шоғирдига ҳавас қилиб японияликлар "устозинг билан танишайлик", деб Ўзбекистонга келса...

Японияликларнинг қадим воҳаларимиз аро ташрифую бахшиларимиз билан узундан-узоқ гурунглари ҳақида гап бошлашдан аввал 2019 йили Сурхондарёда бўлиб ўтган Халқро бахшичилик фестивалида давлатимиз раҳбарининг бахшичиликни дунёга танитиш билан боғлиқ қўйидаги гапларини яна бир бор эсга олишни жоиз топдик:

“Бахшичилик соҳасида шаклланган ижодий мактаблар, “устоз-шоғирд” аънаваларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, бахши-шоирлар, фольклор-шунос олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларнинг ижодий ва илмий фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш, маданият ва санъат муассасалари қошида бахшичилик тўғараклари ташкил этиш, бахши-шоирлар ижодида кенг йўл очиб бериш, тўй-томошалар, турли байрам ва маданий тадбирларда уларнинг доимий иштирокини таъминлаш, шу йўналишда халқро ҳамкорликни кучайтириш, ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш, бахшичилик санъатини кенг тарғиб этиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан, телевидение ва

интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш, фольклор асарларининг аудио ва видео вариантларини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир”.



Шунингдек, Президентимиз ўша куни оммавий маданият, шоу-бизнеснинг таъсири кучайиб бораётган бир пайтда ҳар қандай миллий маданиятнинг бўлоғи бўлган фольклор санъатига қизиқиш сусайгани сир эмаслигини алоҳида таъкидлаган, бахшичилик санъатини миллий маданиятнинг ўзига хос ташриф қоғозига айлантириш учун биргаликда жиддий иш олиб боришимиз кераклигига уруғ берганди.

Давлатимиз раҳбари ўзбек миллий фольклор санъатини чуқур ўрганиб, уни дунё миқёсида кенг тарғиб этиб келаётган корейлик, германиялик, туркиялик олимларга самимий миннатдорлик билдиргани, албатта, япониялик мутахассисларни ҳам илҳомлантирган, уларни бебаҳо бойлигимизни яқиндан ўрганишга ундаган кўринади. Зеро, меҳмонлар билан Сурхондарёда ҳамсуҳбат бўлиб, дўстлик ришталарини боғлаган бахшиларимиз бу ҳақда тўлқинланиб гапирди.

миллий маданиятимизнинг ўзига хос ташриф қоғозига айланыпти

САНЪАТИМИЗДАН ЯНАДА ҒУРУРЛАНИБ КЕТДИК

Улуғбек АБРАЕВ:

— Интернет имкониятлари чексиз бўлган бугунги кунда одамлар соддалик, самимийликка йўрилган чиқишларни илқ қабул қилаяпти. Бахшичилик, фольклор ҳам қўлаб инсонлар ҳаётининг мазмунига айланиб қолди, дейиш мумкин. Шундай экан, бу ноёб санъатларни асраб-авайлаб, аслини бузмаган ҳолда ёш авлодга етказишимиз керак. Бу борада, албатта, устозлар маслаҳати биз, ёшларга ғоят зарур. Зеро, улардан, аввало, ҳаёт сабоқларини, қолаверса, бахшичилик илмига доир қўлаб муҳим жиҳатларнинг асл моҳиятини ўрганамиз.

Устозларимиз фольклор қўшиқларни эстрадага солишда дostonлар ичидagi шеърлардан фойдаланган. “Нихол” мукофоти совриндори бўлган шоғирдим Ахрор



Хушвақтов билан янги йўналиш устида ишладик. Ота-боболаримиз айтиб келган мақоллар, кундалик ҳаётимизда бўладиган ҳолатларга доир шеърлар яратиб, термалар қилдик. Япон дўстларимиз Абдурони интернетда кўриб, ижро услуби, оҳанглари ни ёқтириб қолибди ва у билан боғланибди. Шоғирдим “қўйларимни устозим созлаб беради”, деб менинг номини айтибди. Улар биз билан яқиндан танишиш, шу баҳона Сурхондарёга ҳам бориб, ўзбекнинг кўпқарисини кўриш истагини билдирган. Шунинг учун аввал Сурхондарёда бўлиб, кўпқари томоша қилишди, тўйларда бахшилар ижросини эшитишди. Қашқадарёга келиб, шоғирдим билан учрашганида, Ахрор: “Сизларни устозимнинг уйига олиб бораман. Қандай ижод қилади, нималардан фойдаланади, ҳамма-хаммасини билиб оласизлар”, деб бизникига бошлаб келибди. Ўзбекча лутф ила меҳмонларга қўй сўйиб,

миллий таомлар тортдик. Қўй гўштнинг мазаси оғизларидан қолган шекилли, жуда тотли экан, дейишди. Ҳам таом, ҳам калом деганларидек, танишувдан сўнг суҳбатимиз қизигандан-қизиди. Дўстларимиз чанқовузу дўмбирамиз, мақолларимиз билан танишишди. Дostonларимизда келадиган сўзлар борасида суҳбатлашдик. Сайёҳлар билан келган опа кучли балетмейстер экан. Онасининг соғлиги яхши эмаслиги боис, у учун бир сахна тайёрлашни, рақсда эса Ахрор бахши оҳангидан фойдаланишни ният қилибди. Кейинги йилга режалаштираётган концерт дастурига бизни таклиф қилди. Насиб этса борамиз, деб яхши ният қилдик. Энг қувонарлиси, японлар биздан илҳомланиб, эски япон миллий мусикаларини эстрадага солишни мақсад қилибди. Шу орқали улар ҳам япон ёшларига миллийликка муҳаббатни ошироқчи.

ДОСТОНЛАРИМИЗ ЯПОНИЯДА ЯНГРАСА...

Илҳом НОРОВ:

— Икки ҳафтача юртимизда меҳмон бўлган япониялик Акико Китамуро, Хироаки Иокояма, Сийко Вадзаки билан дилдан суҳбат қилдик. Бахшичилик санъатидаги ички овозларга, айниқса, ўйноқи услубда айтишлар, нолаларни ўрганиш учун Ўзбекистонга келишди. Бастакор йигит ва балетмейстер ола олийҳода таълим олар экан. 2019 йилги Халқро бахшичилик санъатини онлайн тарзда тўлиқ кузатиб, Президентимизнинг фольклорга бўлган эътиборидан ҳайратга тушибди.

Меҳмонлар сурхондарёлик, қорақалпоқлик, қашқадарёлик бахшилар тилидан термалар, дostonларни ёзиб олди. Японияга боргач, албатта, талабаларга ўша дostonларни ўргатишни режа қилишди. Агар

дostonларимиз япон ёшлари тилида янграса борми, бахшиларимиз янада жўшиб кетади.

Таржимон менга “меҳмонлар “Алпомиш” дostonининг шўх ва қайғули, ўйноқи жўларидан айтиб беришинингиз сўрашяпти”, деганида, ҳам дўмбира билан, ҳам дўмбирасиз ижро қилиб бердим. Чунки бахшиларнинг ҳақиқий овозини эшитмоқчи бўлсангиз, дўмбирасини олиб қўйиб айтиринг, дейишди. Баъзи бахшилар дўмбирасини олиб қўйсангиз, айта олмайди-да.

Болалигимдан бахшичиликка кириб келган бўлсам, бу санъатга бугунги кундагидек

Ҳа, дунёга кўз-кўз қилгулик ноёб фольклоримиз бор. Уни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга безавол етказиш борасида давлат миқёсида қилинаётган ишлар Ўзбекистони-мизнинг маънавий-маърифий жиҳатдан ҳам жаҳонда мустаҳкам ўрин эгаллашига пухта замин яратайтир.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ТАМАДДУН

БУЮКЛАР ҲАЁТИ – ИБРАТ МАКТАБИ

“Аммо... туйнукдан ногаҳон узлиб тушган бу тош! Қўмзон эсирмасидан оқиб тушган бу бир неча томчи суё! Асабдо, жузда оддийсина бу ҳодиса Беруний миёсида кўпдан бери айланиб юрган мураккаб муаммага кўтилмаган бир тиниқлик киритди! Кўпдан бери эвоҳиқлар ҳақида китоб ёзишни ўйлаб юрган аллома учун бу тасодиқ маъданлар оғирлигини ўлчаш учун тарозу ясаи борасидаги ҳаёлларнинг бир тўхтамага келишига туртки бўлади. “Бу тарозу шундай нозик ва “сезир” бўлсинки, бир миқолининг ўндан бирини ҳам аниқтай олсин!”

Одил Ёқубовнинг “Кўҳна дунё” романидан келтирилган ушбу парча алломанинг кузатувчанлигини, тасодиқий ҳолатлардан ҳам илмий ҳулосалар чиқаришга интилишини кўрсатади.

Абу Райҳон Беруний ўз даврининг етук билим соҳиби, буюк мутафаккири ва қомусий олими эди. Унлаб асари билан дунё фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган аллома ижодини янада кенг ва чуқур ўрганиш борасида бугун янги давр бошланмоқда. Бунга жорий йил 25 августда Президентимиз имзолаган “Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарор асос бўлади.

Бу ҳужжат илк Ренессанс даври ёрқин мамияндасининг илмий-маърифий меросини янада чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, энг муҳими, ушбу йўналишда тадқиқотлар



қилаётган етакчи халқро илмий марказлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш мақсадини кўзлайди.

Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини тантана қилиш ЮНЕСКОнинг 2022-2023 йилларда нишонланадиган халқро юбилейлар руй-

хатиға киритилгани ҳам дилимизга шукўҳ бағишлайди. Бу чинакам байрам бўлади.

Мен узоқ йиллардан буён олий таълим соҳасида ишлайман. Буюк мутафаккир ва қомусий олимлар шахсияти ҳамда фаолиятига доир маълумотларга жуда катта қизиқиш билан қарайман

ва талабаларни уларнинг ҳаётий фаолиятини чуқур ўрганишга даъват этиб келаман. Чунки буюкларнинг ҳаёт ва ижод йўли ибрат, ҳикматга тўла.

Давлатимиз раҳбари қароридида улғувор ишлар кўзда тутилган. Абу Райҳон Беруний меросини ўрганиш мақсадида халқро миқёсда кенг қўламли илмий изланишлар олиб бориш ва натижаларини эълон қилиш, шу мавзуда илмий, бадий-публицистик асарлар яратиш, хорижий олимлар асарларини ўзбек ва қорақалпоқ тилларида нашр қилиш режалаштирилиши жуда асосли. Чунки мазкур ишларни амалга ошириш учун барча имкониятлар мавжуд. Маълумот ва материаллар етарли.

Беруний астрономия, астрология, математика, геодезия, геология, минералогия, география, арифметика, тиббиёт, фармокогнозия, тарих, филология масалаларига оид қатор рисоаларни яратди ва санскрит тилидан арабчага, араб тилидан санскрит тилига таржималар қилди, бадий ижод билан ҳам шуғулланиб шеърлар ёзди. Берунийнинг илм-фанга қизиқиши ёшлигиданок кучли бўлган. Махшур олим Абу Наср ибн Ироқ Мансур қўлида таълим олади. Ибн Ироқ фалакийёт ва риёзиётга оид бир қанча асарлар ёзиб, шулардан 12 тасини Берунийга бағишлаганидан ҳам маълумки, устознинг шоғирдига ҳурмати баланд бўлган. Олимнинг бу соҳадаги ишларини ҳам чуқурроқ ўрганиш, тарғиб қилиш бугунги кун учун жуда муҳим ва долзарбдир.

Беруний адабиётда ҳам ўзини кўрсатиб, “Авесто”, “Қалила ва Димна”, шунингдек, мумтоз араб, ҳинд шеърляти намуналарини таҳлил қилди,

қиёслади, улардан ўрнат ва намуналар олишга ҳақирди. Эрон фольклори намуналарининг араб тилига таржималарини яратди. Шу боис, мутафаккирининг адабиётшунос, таржимон сифатидаги фаолиятини чуқур ўрганиш олдимизда турган катта вазифалардан бири. Қолаверса, барча асарларини тўплаш асосида босқичма-босқич тўлиқ асарлари ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз, араб ва форс тилларида нашр этилади. Беруний ҳаётига оид маълумотлар, илмий-маърифий асарлари жамланган мобиль илова эса аллома ижодининг янада кенг оммалашishiга хизмат қилади.

Юртимиз — сайёҳлар талпинадиган диёр. Қарор Абу Райҳон Беруний номи билан боғлиқ обида ва қадамжоларни, жумладан, унинг шарафига ўрнатилган ёдгорлик мажмуаларини мукаммал таъмирлаш ва ҳудудларини ободонлаштириб, “Буюк Беруний мероси” халқро сайёҳлик йўналишларини йўлга қўйишни ҳам кўзда тутати. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида 2023 йил якунига қадар Абу Райҳон Беруний мажмуасини қуриш ҳам белгилаб қўйилган. Ишонимизки, бу маскан илмий-маърифий ишлар амалга ошириладиган маданий объектга айланади.

Беруний фаннинг ҳамма соҳаларида самарали ижод қилган. Унинг илмий мероси жуда кенг ва ранг-баранг. Илмий иш соҳасидаги зўр қобилияти кўпчилик замондошлар ва кейинги олимлар томонидан эътироф этилган. Музаффар Ҳайруллаевнинг таъкидича, 1035-1036 йилларда Беруний ўз илмий ишлари рўйхатини тузати. Бунда шу вақтгача ёзган китоб ва рисоалари 113 тага етгани кўрсатилган. Кейинги ёзган асарларини ҳам қўшса, у қолдирган илмий мерос 152 та китоб ва рисоладан иборат. Афсуски, ҳозирча

олимнинг фақат 28 та асаригина маълум. Қолганлари бизгача етиб келмаган ёки ҳали топилаганича йўқ.

Қадимий ёдгорликларни ўз ҳолида сақлаш жуда муҳим. Зарур чоралар қабулгина уларни вақт таъсиридан асраб қолишимиз, келажак авлодга етказишимиз мумкин. Ҳужжат билан аллома илмий-ижодий меросига мансуб қўлёзма ва бошқа маданий бойликларни реставрация қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Демак, буюк олимнинг бизга номаълум асарларини излаб топиб, тадқиқ қилиш, нашр эттириб, тарғиб қилиш галдаги муҳим вазифамиздир. Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими ва Хоразм Маъмур академиясининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, музей ашёларини реставрация ва консервация қилишга ихтисослашган лаборатория ташкил этиш ва замонавий жиҳозлар билан таъминлаш соҳада фаолият юритаётганларнинг ўз мақсадларига эришишида катта қўмакчи бўлади.

Улуғ шахслар муайян мислатга мансуб бўлса-да, уларнинг даҳлати бутун инсониятга эиё таратиб туради. Такрорланмас истеъод эгалари — улўғ мутафаккирлар, салохиятли олимлару адибларимиз тўфайли халқимиз жаҳон саҳнида бугун ўзининг муносиб қиёфасига эга. Ақдодларимизнинг ушбу бетақор тарихий ва маънавий меросини асраб-авайлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани барчамизга улкан масъулият юклаб, илмий изланишларга ундайди.

Назора БЕКОВА,
Бухоро давлат университети профессори,
филология фанлари доктори

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сахифаланди.
Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-960.
81594 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаҳҳих: Умаржон Қодиров
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўза якуни — 02:45 Топширилди — 05:00